

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
2016 йил “24” август да
— -сон рақам билан



РҲЙХАТГА ОЛИНГАН

“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХКАЖ
Ягона акциядорининг
2016 йил “11” августдаги
4-сон қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

“О’ЗПАХТАСАНОАТЕКСПОРТ”
holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(Янги тахрир)

Тошкент шаҳри – 2016 й.

I. Умумий қоидалар

1.1. «O'zpakhtasanoateksport» holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati (бундан буён – Компания) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги, 2015 йил 3 ноябрдаги ПҚ-2427-сонли «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи акциядорлик бирлашмалари фаолиятини таъминлашнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 3 ноябрдаги 1к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган.

1.2. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

1.3. Компания барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, доромадлар даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

II. Компаниянинг фирма номи, жойлашган ери ва электрон почта манзили

2.1. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

ўзбек тилида:

лотин ёзувида – «O'zpakhtasanoateksport» holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида – «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси акциядорлик жамияти;

рус тилида: акционерное общество холдинговая компания «Узпахтасаноатэкспорт»;

инглиз тилида: «Uzpakhtasanoatexport» Joint-Stock Holding Company.

Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:

ўзбек тилида:

лотин ёзувида – «O'zpakhtasanoateksport» ХКАЖ;

кирилл ёзувида – «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХКАЖ;

рус тилида: АОХК «Узпахтасаноатэкспорт»;

инглиз тилида: «Uzpakhtasanoatexport» JSHC.

2.2. Бундан буён матнда «Компания» деб аталувчи «O'zpakhtasanoateksport» holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyatining жойлашган ери ва почта манзили:

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8-а-уй.

2.3. Компаниянинг электрон почта манзили: info@uzpse.uz

2.4. Компаниянинг расмий веб сайти: www.uzpse.uz

III. Компаниянинг ҳуқуқий ҳолати ва жавобгарлиги

3.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансига, алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эгадир. Ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

3.2. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.3. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.4. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобрақамларни очишга ҳақлидир.

3.5. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.6. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.7. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

3.8. Акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3.9. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.10. Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.11. Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

IV. Компания фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва ҳуқуқлари

4.1. Компаниянинг асосий мақсади унинг тизимига кирувчи акциядорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради ва услубий бошқаради.

4.2. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир. Компаниянинг асосий даромадлари дивиденд, хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар ва қонун билан таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил топади.

4.3. Компания фаолиятининг асосий мақсади, вазифалари ва йўналишлари куйидагилардан иборат:

- компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлар, ташкилотлар ва корхоналар фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш;

- жаҳон ва минтақавий пахта бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича тизимли маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ва шу асосда, мазкур бозорларда таркиб топаётган тенденциялардан келиб чиқиб, пахта хом-ашёси етиштиришнинг ҳажмлари, ассортименти ва навлари бўйича ғўзанинг районлаштирилган навларини ҳудудий жойлаштириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- республикада ишлаб чиқарилаётган пахта хом-ашёсини фермер хўжаликларидан қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш, юқори сифатли, ташки бозорларда рақобатдош пахта толасини ишлаб чиқариш, халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ уни сақлаш билан боғлиқ ишларнинг бутун комплексини ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасида ягона сиёсат ўтказилишини таъминлаш;

- фермер хўжаликларидан қабул қилинадиган пахта хом-ашёсининг миқдори, сифати ва навлари, пахта толаси ва чигитнинг чиқишига оид кўрсаткичлари, компания корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган пахта толаси ва ёғ-мой маҳсулотларининг ўрнатилган стандартлар ва тузилган шартномаларга мувофиқ миқдори ва сифати бўйича маълумотларни қатъий ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, тармоқ ички назорат-тафтиш ишларини ўтказиш учун минтақалардаги инспекторлар билан Назорат-тафтиш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш;

- жаҳон бозорининг конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда, пахта толасини етказиб бериш тўғрисида экспорт шартномалари тузилишини ташкил қилиш ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- тузилган шартномалар ва контрактларга мувофиқ харид қилинаётган пахта хом-ашёси ҳамда экспортга ва ички истеъмолчиларга жўнатилаётган пахта маҳсулоти учун ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш;

- чигитнинг чуқур қайта ишланишини ташкил қилиш ҳамда сифатли пахта ёғи ва бошқа ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш;

- ягона техника сиёсатини ўтказиш ҳамда модернизацияни амалга оширишда, замонавий илғор техника ва технологияларни жорий қилишда, инвестициялар, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тармоққа кенг жалб этишда пахта тозалаш корхоналарига, ёғ заводларига, пахта терминалларига кўмак бериш;

- пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноати кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

- Компания олдида турган соҳа ривожланишининг стратегияси ва истиқболларини, тактика ва вазифаларини белгилаш;

- хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва сармоявий ҳамкорликни ҳар жихатдан кенгайтириш;

- соҳа ташкилотларида янги технологиялар ва менеджментнинг илғор усулларини жорий этиш.

4.4. Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

4.5. Компания рухсатнома (лицензия) талаб қиладиган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан сўнг ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

4.6. Компаниянинг ташқи иқтисодий фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.7. Компания қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- юридик шахс бўлган шўъба хўжалик жамиятлари ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиш;

- ўз маблағларини қўшма ва бошқа турдаги корхоналар ташкил этишга жалб этиш ва тегишли даромад ва фойда олиш учун бошқа турдаги фаолиятларни амалга ошириш;

- ишга меҳнат шартномаси асосида қабул қилиш, ишга фуқаролик – ҳуқуқий шартномаси (контракт) асосида жалб этиш, ишга вақтинчалик ва бошқа турдаги ижодий жамоалар ҳамда мустақил фуқароларни пудрат шартномалари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнат келишув битимлари шартлари билан жалб этиш;

- профилактик-даволаш ва тиббий-консультатив (маслаҳат) муассасаларига ва ижтимоий инфратузилмаларнинг бошқа объектларига эга бўлиш;

- соҳа ишчилари ва акциядорларнинг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида дам олиш зоналари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа муассасаларга эга бўлиш ва (ёки) уларни ижарага олиш.

Компания ўз олдига қўйилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш мақсадида қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

V. Компания устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

5.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Компания томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

5.2. Компания Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори 606 232 548 000 (олти юз олти миллиард икки юз ўттиз икки миллион беш юз қирқ саккиз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 606 232 548 (олти юз олти миллион икки юз ўттиз икки минг беш юз қирқ саккиз) дона эгаси ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

VI. Компания акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

6.1. Компания томонидан 606 232 548 (олти юз олти миллион икки юз ўттиз икки минг беш юз қирқ саккиз) дона эгаси ёзилган оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

6.2. Компания устав фондиди ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 800 000 000 (саккиз юз миллион) дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат.

6.3. Компания акциялари ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

VII. Компаниянинг устав фондиди (устав капиталини)

кўпайтириш ва камайтириш

7.1. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Қўшимча акциялар мазкур уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Компания томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.3. Компаниянинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

7.4. Компаниянинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

7.5. Компаниянинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

7.6. Компаниянинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

7.7. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Компаниянинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

7.8. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.10. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

7.11. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

7.12. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулк ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Компаниянинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорида белгилаб қўйилади.

7.13. Компаниянинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

7.14. Агар Компаниянинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

7.15. Компаниянинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.16. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Компания устав фондининг (устав капиталининг) Компания уставига тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

7.17. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

7.18. Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда ягона акциядор устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.19. Компания устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

VIII. Компания бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

8.1. Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) Компаниянинг бошқарув органларидир.

8.2. Ягона акциядор Компаниянинг юқори бошқарув органидир.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Компания Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Компания Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.4. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

8.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши июнь ойида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Компаниянинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, шунингдек қонун ҳужжатлари ва мазкур уставга мувофиқ Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Компания Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

8.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

8.7. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш тартиби Компания ягона акциядори томонидан тасдиқланган “Ягона акциядор томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланади.

8.8. Ягона акциядор ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- Компания уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Кузатув кенгаши қарори билан Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

- Компанияни қайта ташкил этиш;

- Компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Компания Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш ва кўпайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- Ижроия органини тузиш;

- Компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш. Зарур ҳолларда Компаниянинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Компания Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Компания Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг кундалик ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

- хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

- мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойихалар Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилини ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- Ички назорат, Дивиденд сиёсати, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- мазкур Компания уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.9. Ягона акциядор ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Бошқарувига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

8.10. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар фойдани тақсимлаш бўйича таклифлар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

8.11. Компаниянинг Кузатув кенгаши Компаниянинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

8.12. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

- Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам

равишда эшитиб борган ҳолда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни ягона акциядорга ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Компаниянинг ижроия органини тузиш, бошқарув раисини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Компаниянинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- Компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

- Компаниянинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш.

- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Кузатув кенгаши қошида қўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш.

8.13. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалалар ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8.14. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

8.15. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари ягона акциядор томонидан бир йил муддатга сайланади.

8.16. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8.17. Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг иштини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

8.18. Компания Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

- Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Компания уставига Компаниянинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- Компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

- Компаниянинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш.

- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- Кузатув кенгаши қошида қўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомларни тасдиқлаш.

8.13. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалалар ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

8.14. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компаниянинг Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

8.15. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари ягона акциядор томонидан бир йил муддатга сайланади.

8.16. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8.17. Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг иштини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

8.18. Компания Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Компания Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.19. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва мазкур уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

8.20. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи - Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

8.21. Бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат бўлиб (Бошқарув раиси, раиснинг биринчи ўринбосари ва 3 (уч)та раиснинг ўринбосарлари (“Ўзпахтасаноат”, “Ўзпахтаёғ”, “Ўзпахтаэкспорт” акциядорлик жамиятларининг бош директорлари) бир йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

8.22. Компания Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари Компания Кузатув кенгаши томонидан сайланадилар ва лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадилар.

Компания Кузатув кенгашининг қарорига кўра Компания Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

8.23. Компания Бошқарув раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур уставда ҳамда уларнинг ҳар бири Компания билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

8.24. Шартнома Компания номидан Компания Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.25. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

8.26. Компаниянинг Бошқарув раиси ва аъзоларининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Компания Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

8.27. Компания Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

8.28. Компания Кузатув кенгаши Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

8.29. Компания Бошқарувининг ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига рахбарлик қилишга доир барча масалалар киради, ягона акциядор ёки Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.30. Компаниянинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Компания Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

8.32. Компания Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

- Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, ягона акциядорнинг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

- компания ва унинг тизимида кирувчи акциядорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлар, ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

- Компания ваколатхона ва филиаллари рахбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

- Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини таъминлаш;

- Компаниянинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончилигини, акциядорларга, кредиторларга ва бошқаларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Компаниянинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Компания аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

- ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Компания бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Компания бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

- хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Компаниянинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Компаниянинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.31. Компания Бошқарув раисининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- Компания номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, Компания номидан битимлар тузиш;
- компания штатлар жадвалини тасдиқлаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Компания бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилаш, Компания ходимларини рағбатлантириш, шунингдек, Компания ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида тўловларни ўрнатиш;
- Компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;
- Компания ва унинг тизимидаги барча акциядорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлар бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Компания Кузатув кенгашининг ишида иштирок этиш;
- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;
- Компаниянинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- Компания Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IX. Компаниянинг фондлари

9.1. Компанияда соф фойда ҳисобидан устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

9.2. Компаниянинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компаниянинг захира фонди Компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, Компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Компаниянинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.4. Компаниянинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.5. Агар Компаниянинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

9.6. Компания қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

X. Дивидендларни тўлаш

10.1. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

XI. Компаниянинг фаолиятини назорат қилиш

11.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун ягона акциядор томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

11.2. Компания тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари ягона акциядор томонидан белгиланади. Айти бир шахс Компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Компания тафтиш комиссиясининг ваколат доираси қонун ҳужжатлари ва мазкур устави билан белгиланади.

11.4. Компания тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, ягона акциядор ва Компания Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра Компания Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

11.7. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қону ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.8. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Компания Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 11.7. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Компаниянинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.10. Компаниянинг ички аудит хизмати Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Компания уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

11.11. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

11.12. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

11.13. Компанияда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

11.14. Компания корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

ХII. Яқуний қоидалар

12.1. Компания ягона акциядор ва ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар тегишли давлат органи томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

12.2. Компания уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

12.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

12.4. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари қўлланилади.

12.5. Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиш тартиби билан боғлиқ масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Компаниянинг Ягона акциядори томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

12.6. Компания Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби ягона акциядор томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

12.7. Мазкур уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Бошқарув раиси



А.Камалов